

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

ҚҮҚОН ХОНЛИГИ АҲОЛИСИ ЭТНИК ТАРКИБИ ТҮҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Рузматова Шаходат Абдукаххаровна

Қўқон давлат педагогика институти Тарих кафедраси
ўқитувчиси e-mail: ruzmatovashaxodat@gmail.com

Исломов Абдулазиз Латиф ўғли

Қўқон давлат педагогика институти Тарих
факультети Тарих йўналиши III-босқич талабаси

Аннотация

Мазкур мақолада Қўқон хонлиги аҳолиси этник таркибини ташкил қилган қавмлар, уларнинг келиб чиқиши, бошқа кўплаб қавмларнинг Фарғона худудига миграция қилиш сабаблари, жараёнлари тўғрисида баъзи маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: минглар, юзлар, қипчоқлар, қалмиқлар, уйғурлар, қозоқлар, қора-қирғизлар, тожиклар, қурама, жалоирлар, Даشتி Қипчоқ, Шарқий Туркистон, Воҳан, Сирдаре.

Аннотация

В данной статье приведены некоторые сведения об этническом составе населения Кокандского ханства, их происхождении, причинах и процессах переселения многих других народов в Ферганскую область.

Ключевые слова: минги, юзы, кипчаки, калмыки, уйгуры, казахи, кара-киргизы, таджики, курама, джалаиры, Дешити Кипчак, Восточный Туркестан, Воҳан, Сирдаря.

Annotation

This article provides some information about the ethnic composition of the population of the Kokand Khanate, their origin, the causes and processes of resettlement of many other peoples in the Fergana region.

Key words: Mings, Yuzes, Kipchaks, Kalmyks, Uighurs, Kazakhs, Kara-Kyrgyz, Tajiks, Kurama, Jalairs, Deshti Kipchak, East Turkestan, Vokhan, Syrdarya.

Фарғона ҳудудига халқларнинг келиб жойлашиши кўпинча сиёсий ҳолатлар билан боғлиқ бўлган. Мисол тариқасида XVIII асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлигидаги ички низолар, тартибсизликлар ва

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

қалмиқларнинг Тошкент, Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларига ҳужуми натижасида Бухоро, Самарқанд, Туркистон, Тошкент, Чимкент, шимоли-шарқий ҳудудлардан тожиклар, ўзбеклар, қорақалпоқлар ва бошқа туркий қавмларнинг Фарғона ҳудудларига келиб ўрнашишларини олишимиз мумкин.

Қипчоқлар ва қорақалпоқлар хонлик ҳаётида муҳим ўринлардан бирига эга бўлганлар. Академик А. Асқаровнинг маълумотларига кўра, қипчоқлар, қорақалпоқлар ҳақида бир неча маълумотлар мавжуд. XVII асрнинг охири ва XVIII аср бошларида жунгорларнинг сикуви остида Қозоғистон чўлларидан Мовароунахрга бир неча қабила кўчиб келганлиги, мана шу этник тўлқинда қорақалпоқларнинг бир қисми Зарафшон воҳасига кўчиб келиб, Нурота тоғ тизмаларининг жанубий ёнбағирларига жойлашганлиги ва шу тўлқинда қипчоқларнинг катта гуруҳи Зарафшон водийси, Тошкент воҳаси ва Мирзачўлга келиб жойлашганлиги ҳақида айтиб ўтилади[1: 495-б.]. Бунга қадар Тошкент воҳасида туркий қабилалардан қурама, дўрмон, қирқ, юз, минг ва бошқа қабилалар яшаб келганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

XVIII асрнинг 30-йилларида қипчоқларнинг бир қисми яйлов қидириб, Шимолий Фарғонанинг тоғ олди минтақаларига кўчиб ўтадилар. Ўша кезларда қорақалпоқларнинг бир қисми Марказий Фарғонага келиб ўрнашадилар. Натижада бу ерлар “қорақалпоқ чўли” номини олганлиги ҳақида айтиб ўтилади[1: 495-б.]. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Норбўтабий (1763-1798) ҳукмронлигининг сўнгги йилларида қорақалпоқларнинг Фарғона ҳудудларида кўчиб келиши кучаяди. Дастреб қорақалпоқлар Ганжиравон ҳудудига келиб ўрнашадилар, кейинчалик эса ушбу қавмларнинг асосий хўжалиги чорвадорлик бўлганлиги боис, Қўқон хони Худоёрхондан яйловлар учун қулай бўлган Сирдарё этакларида келиб ўрнашиш учун изн сўрайдилар[1: 419-б.].

Т. К. Бейсембиевнинг таъкидлашича, Қўқон хонлиги ва атроф ҳудуд аҳолисининг этник таркиби хилма хил бўлган. Жумладан, Фарғонанинг туб аҳолисини тожик, ўзбек ҳамда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолисини – қипчоқ, қирғиз, турқ, қорақалпоқ, жон-бағиш ва қалмиқлар ташкил қилган[3: 78-80-б.]. Бундан кўришимиз мумкинки, қипчоқлар Шаҳриён ҳудудлари, Балиқчи, икки дарё – Қорадарё ва Норин оралиғида яшаганлар, қирғизлар эса Фарғонани ўраб турган тоғ ва тоғ этакларида (Кетмон тепа, Олой) кўчманчи ҳаёт кечирганлар.

Тошкент ва Даشتли Қипчоқ аҳолиси таркибидаги этник гурухларга қўнғирот, қанғли, санчиқли, сергили, қора қайроқ, аргин ва бештамғали уруғлари кирган[4: 66-б.]. Тошкент атрофидаги ҳудудларда эса қозоқлар ва қорақалпоқлар истиқомат қилганлар[5: 160-б.]. Тошкент ҳудуди ва Қураманинг туб аҳолисини тожиклар ва “анди”лар[6] ташкил қилганлар,

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолисини-курама ва қозоқлар ташкил қилган. Чинозда кўчманчи қорақалпоқлар, Жанубий Қозоғистонда эса қозоқлар ва “анди”лар яшаган. Ўратепанинг туб аҳолисини сартлар ва тожиклар, кўчманчи аҳолисини эса юзлар ва қирқлар ташкил қилганлар. Самарқанд яқини ва Жиззахда эса хитой-қипчоқлар ва қорақалпоқлар кўчманчи ҳаёт кечирганлар[3: 78-79-б.].

Дашти Қипчоқ ҳудудидан кириб келган уруғларнинг энг кўп қисмини қипчоқ, сарой, қўнғирот, минг, юз, найман, мангит, хитой каби уруғлар ташкил қилган. Уларнинг ичидаги қипчоқлар кўпчиликни ташкил этиб, XVIII аср охири – XIX аср бошларида уларнинг сони 270 мингга яқин эди[1: 494-б.].

Қипчоқлар ўзларини ўзбекнинг 92 ургидан бири деб ҳисоблаганлар, бу эса фарғоналиқ қипчоқларнинг туб аҳоли билан этник яқинлигини белгилаган (уларнинг умумий жиҳати даштиқипчоқ ҳудудидан келиб чиққанликларидир) [3: 79-б.].

Қозоғистон чўлларидан халқларнинг Фарғона ҳудудларига кўчиб ўтишлари доимий давом этган. Сўнгти тўлқин XVII асрнинг охири-XVIII асрнинг бошларида бўлиб ўтади, бу даврда Қозоғистон чўлларидан Мовароуннахрга бир нечта қабилавий ва этник гуруҳлар кўчиб ўтадилар[7: 417-б.].

XIX асрнинг бошида Олимхон томонидан тузилган янги қўшинга Фарғонада яшовчи эркин аҳоли ва қуллардан 3700 та қоратегин ва воҳанлар, 2200 та дарваз, бадаҳшон, шуғнон, рушон, чатрори, гунди ва эронликлар кирган. Юқорида келтирилган рақамлар XIX асрда Кўҳистондан Фарғона водийси ҳудудига кўплаб халқлар кўчиб келганлигини кўрсатади. “Тарихи Шоҳрухий” асарида уларнинг бу ҳудудга келиб қолиш сабаблари сифатида маҳаллий хукмдорлар томонидан тазиикқа учраганликлари ёки уларни Кўқон хонига тухфа тариқасида жўнатилганликлари деб кўрсатилади[3: 80-81-б.].

Б.М. Бабаджанов ўз асарида XVIII асрнинг биринчи ярмида Трансоксиана[8.] ҳудуди(шу жумладан Фарғонага ҳам)га кўплаб кўчманчи халқлар (аввало қипчоқлар ва қалмиқлар) кўчиб келганликлари ҳақида маълумотлар беради[9: 92-93-б.]. Фарғонанинг тоғли (шимол, шарқ ва жанубда) ҳудудларида яшаётган кўчманчи қирғизлар (қора қирғизлар) асосан чорвачилик ва баъзи хунармандчилик (тери ошлаш, тери маҳсулотлари ва шунга ўхшаш) турлари билан шуғулланганлар. Бундан ташқари, хонлик чегара ҳудудларида яшовчи қирғизлар даромад топиш мақсадида кўкнори етиштирғанликлари тўғрисида маълумотлар мавжуд[10: 14-б.].

Фарғона водийси ҳудудига кўчиб келган қипчоқ чорвадорлари ўзларининг донга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун имкон қадар дехқончилик билан шуғулланганлар, бошоқли экинлар асосий экин тури ҳисобланган[11: 81-82-б.].

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

б.]. Фарғона водийсидан жанубда жойлашган тоғли худудларда эса тожиклар яшаганлар, манбаларда уларни “ғалча” ёки яшаган жойига қараб “кўхий/кўхистоний”, ёки келиб чиқиш жойига қараб “кўлоби”, “тарми” деб аташган[9: 93-б.].

Манбаларда қайд этилишича, Фарғона, Тошкент, Ўратепа, Хўжанд худудларида туб аҳоли икки маҳаллий тилда сўзлашган: ўзбек ва тожик тилида қўшиқлар куйлашган[12: 92-б.]. Бундан англашиладики, аҳолининг асосий қисми ўзбек ва тожикларни ташкил этган.

XIX асрнинг 20-йилларида, Тошкент Кўқон хонлигига қўшиб олинганидан сўнг бу худудларда қалъя ва истеҳкомлар қурила бошланди. Туркистон, Сўзок, Чимкент ва Сайрамга қўқонлик оиласлар келиб жойлашдилар. Турбат, Бодом, Корамурт, Қорабулоқ худудларига Фарғона водийси аҳолиси келиб ўрнашди. Кўқон қўшинида хизмат қилган шуғнон, дарвоз, қоратегинлар шаҳарларда ўз маҳаллаларини барпо қилганлар. Масалан, Туркистон шаҳрида бугунги кунгача Қоратегинлар маҳалласи мавжуд[13: 17-б.].

Тарихчи олим Ш. Воҳидов хонликдаги қирғизлар, қипчоқлар истиқомат қилган ҳудудларни Сирдарёning бошланиш жойларидан Балхаш кўлигача бўлган тоғли туманлардан то Қошғар чегарасигача бўлган ерда, Еттисув, Талас водийси, Олой тоғлари, Бадахшон, Фарғона водийси худудларида кўчманчи ва ярим кўчманчи тарзда ҳаёт кечирганлигини қайд этади[14: 59-б.].

XVIII асрнинг биринчи чорагида қалмиқларнинг босқинчилик юришлари туфайли Тянь-Шаннинг шимолий ҳудудларида ўз ўтлоқларига эга бўлган қирғизлар Фарғона, Қоратегин ва Помиргача бўлган ҳудудларга қўчиб ўтишга мажбур бўладилар[15: 96-б.]. Бундан ташқари, Фарғона водийсида қорақалпоклар, Тошкент атрофларида ўн минг уйдан иборат бўлган қозоқлар, хонликнинг шарқий қисмида, Кўқон хонлигини Бухоро ва Россиядан ажратиб турадиган чўлларда эса кўчманчи қозоқлар истиқомат қилган[14: 59-б.].

Сирдарёning ўрта оқимида яшовчи қорақалпоклар ҳам XVIII асрнинг биринчи чорагида қалмиқларнинг босқинчилик юришлари туфайли Тошкент ва унинг жанубий ҳудудларига қўчиб ўтадилар[15: 97-б.]. Тошкент атрофида эса жалоирлар (қорақўйли, керет, уйшун, нуқтози, қорачопон, курсак,чувалдок, жастабан, турайгир, тупар уруғлари) яшаган, улар ўзларини ўзбек уруғига мансуб деб ҳисоблаганлар[13: 25-б.]. Тошкент атрофида Кировчи худудида қайсақлар яшаган, улар асосан тариқ етиштирганлар[16: 112-б.].

Тошкент атрофида яна қурама халқлари яшаган. Қурама деб, асосан, Ангрен дарёси бўйларида ва Тошкент атрофларида яшаган ўтроқ аҳолига нисбатан айтилган[17: 4-б.].

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

Бундан ташқари, XIX асрнинг бошларида қирғиз, қалмоқ, уйғур, қорақалпоқ ва қозоқ-қипчоқлар Хитой ҳукумати тазийиқи остида Шарқий Туркистондан Фарғона водийсига кўчиб келишга мажбур бўлишган[14: 59-б.]. Қипчоқларнинг катта гурухи эса Шимолий Фарғонанинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларига бирмунча илгарироқ – XVIII асрнинг 20-30-йилларида келиб ўрнашадилар[11: 51-52-б.].

Хонлик ҳудудида уйғурлар яшаганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Ч.Ч. Валихоновнинг ёзишича, XIX асрнинг ўрталаридаёқ Кўқон хонлигидага 300 мингга яқин уйғурлар истиқомат қилган[18: 11-12-б.]. Ҳар ҳолда Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган Шарқий Туркистонлик уйғурлар сони бундан ҳам қўп бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Негаки, бу даврда уйғурлар қўпроқ ўзлари кўчиб келган жой номлари билан – Қошғар шаҳри ва ушбу воҳадан келганлар – “қошғарлик”, Ёркентдан кўчиб келганлар – “ёркентлик”, Турфондан келганлар – “турфонлик” ва ҳоказо номлар билан аталган. Булар орасида қошғарликлар кўпчиликни ташкил қилган.

Ч.Ч. Валихоновнинг “1862-1878 йиллар оралиғида Кўқон хонлиги ҳудудига кўчиб ўтган қошғарликларнинг сони 85-162 минг нафарни ташкил қилган”, [19: 67-68-б.] деган маълумоти ҳам Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган уйғурларнинг сонига аниқлик киритади.

Шарқий Туркистон ҳудудидан кўчиб ўтган халқлар жойлашган ҳудудлар номи бугунги кунгача сақланиб қолганлари мавжуд. Масалан, водий турли ерларида Қашқартўпи (Фарғона вилояти Олтиариқ), Қашқарийлар маҳалласи (Намангандик вилояти, Поп тумани, Ғурумсарой қишлоғи), Қашқармаҳалла (Намангандик вилояти Уйчи тумани, Қизилравот қишлоғи) ва бошқа Уйғур, Повон каби маҳалла қишлоқ номлари сақланиб қолган. Фарғона вилоятининг Бешарик, Данғара, Ўзбекистон, Қува, Охунбобоев, Боғдод, Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Асака, Пахтаобод, Олтинкўл ва Андижон туманларида Қашқар, Фарғона вилоятининг Тошлок, Фарғона туманларида Қашқаркишлов, Учкўприк туманида Катта Қашқар, Кичик Қашқар, Намангандик вилояти Тўрақўрғон туманида Қашқаргузар, Уйчи ва Норин туманида Қашқармаҳалла деб ном олган аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, бу жойлар бевосита Шарқий туркистонлик аҳоли билан боғлиқдир[20: 114-б.].

Юқоридаги халқлардан ташқари, Кўқон хонлиги ҳудудида бухороликлар, афғонлар, хиндлар ва яхудийлар истиқомат қилганлар, улар асосан савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланганлар[21: 271-б.].

Ушбу маълумотлардан шундай хulosага келамизки, Кўқон хонлиги аҳолиси турли хил этник таркибга эга бўлган. Ўтрок, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт тарзида яшаган. Водийда яшаш учун қулай табиий шарт-шароит, дехқончилик, ҳунармандчилик, савдо йўлларининг ривожланиши бу ҳудудга халқларни доимо жалб қилиб келган. Бундан ташқари, сиёсий

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

жараёнлар ҳам халқларни худуддан худудга қўчиб юришларига сабаб бўлган. Натижада хонлик аҳолиси этник таркиби турли халқлар келиб қўшилиши туфайли бойиб борган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аскаров А. История происхождения узбекского народа. – С. 495.
2. История Узбекистана (XVI- первая половина XIX века). – С. 419.
3. Бейсембиев Т. К. “Тарих-и Шахрухи” как исторический источник. – Б.78-80.
4. Султонова Г. Н. ва б. Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи ва минтақада юз берган демографик жараёнларнинг манбаларда акс этиши (XVI-XIX аср биринчи ярми). – Б. 66.
5. Путешествие Мир Иззет Уллы в Кокандское ханство (1812). История Узбекистана в источниках. – Ташкент: Фан. 1988. – С. 160.
6. Анди – В. Наливкиннинг таъкидлашича, туркий қабила номи, Андижон номи шу қабила номидан келиб чиқкан (Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань, Типография Императорского Университета. 1886 год. – С. 6).
7. Шониёзов К. П. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 417.
8. Ўрта Осиё тарихий-географик ҳудуди юонон тарихчи ва географлари томонидан шундай номланган.
9. Бабаджанов Б. М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – С. 92-93.
- 10.Камалов А. К. Вопросы опиумной политики Цинской империи в Восточном Туркестане в трудах Ч. Ч. Валиханова. Известия Национальной Академии наук Республики Казахстан. Вып. 1. – Алматы: Аруна, <http://akademiyauk.kz/>. 2014. – С. 14.
- 11.Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Б. 81-82.
- 12.Мухин В. Г., Баранов В. А. Бюллетень Средне-Азиатского Государственного Университета. Вып. 11. – Ташкент, 1925. – С. 92. Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера) РАН http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/08/08_03/mae_xvi/ © МАЭ РАН.
- 13.Елшибаев С. К. Южный Казахстан и Кокандское ханство в XVIII-середине XIX веков. – С. 17.
- 14.Вохидов Ш. Қўқон хонлигига тарихнавислик. – Б. 59.
- 15.Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии (XVI-середина XIX в.). – С. 96.
- 16.Вельяминов-Зернов В. Сведения о Коканском ханстве. // ИРГО, СПб. 1856. – С. 112.

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

-
- 17.Федченко А. П. В Коканском ханстве. Путешествие в Туркестан. Известия императорского общества любителей естествознания, антропологии и этнографии. Вып. 7, том I, часть II. – СПб-Москва, 1875. – С. 4.
 - 18.Валиханов Ч. Ч. Собрание сочинений в пяти томах. Том 3. – С. 11-12.
 - 19.Абдуллаев У., Валихонова Г. Фарғона водийси аҳолиси. – Тошкент: Наврӯз. 2016. – Б. 67-68.
 - 20.Кўлдошев Ш. Т. Кўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар. Тарих фанлари..номз.дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 114.
 - 21.Скайлер Южин. Туркистон. – Б. 271.